Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 14 февраль, шанба • №13 (11.608) • Эркин нархда сотилади

# ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

***Шу йил 13 февраль куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, банклар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, корхона, хўжалик, тадбиркорлик тизими ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.***

***Йиғилишда вилоятни 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари XX сессиясида ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.***

***Йиғилишни вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.***

Фаоллар йиғилишида кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Сайдулло Бегалиев ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Адбуҳамид Йўлдошев маъруза қилдилар. Таъкидланганидек, вилоятда 2003 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш йўли изчил давом эттирилди. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Натижада ялпи ички маҳсулот 2,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 7,1 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,7 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 8 фоизга, савдо айланмаси 8,6 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 5,5 фоизга ўсди. Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш борасидаги амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал даромадлари 4,2 фоизга, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредитлар 14 фоизга ўсди. Ўтган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида ташқи савдо айланмаси ҳажми 18,7 фоизга, экспорт ҳажми 22,6 фоизга ўсиб, 91,4 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Ўтган даврда вилоят иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар миқдори 2002 йилга нисбатан 8 фоиз ўсиб, 153,9 миллиард сўмни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам ижобий натижаларни бермоқда. Хусусан, кичик бизнеснинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 38,2 фоизга етди. Бугунги кунда тизимда меҳнат қилаётганлар салмоғи иқтисодиётда банд бўлган жами ишловчиларнинг 58 фоизини ташкил этмоқда.

Вилоят иқтисодиётининг 2003 йил якунларига тегишли бундай ижобий рақамларни яна келтириш мумкин. Лекин, фаоллар йиғилишида асосий эътибор жойларда иқтисодиётни ислоҳ этишга доир вазифалар, белгиланган дастур ҳамда тадбирларнинг бажарилишига тўлиқ эришилмаётганлигига қаратилди.

Масалан, хусусийлаштириш дастурлари топшириқлари Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон, Тошкент, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида суст бажарилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Акцияларнинг давлат пакетларини бошқарувчи компанияларга бериш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасидаги ишлар Бекобод, Пскент ва Бўстонлиқ туманларида қониқарсиз амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Йиғилишда капитал қурилишда ислоҳотлар жараёнининг суст амалга оширилаётганлиги, пудрат ва лойиҳа ишларининг самарали ташкил этилмаётганлиги ҳам қайд этилди. Маълумки, қишлоқ хўжалигида шартнома интизомига риоя қилиш, унинг бажарилишини таъминлаш соҳа ривожида катта аҳамиятга эга. Афсуски, бу борадаги ишлар ҳамон пастлигича қолмоқда. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, қайта ишлаш, қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳам алоҳида эътиборни талаб этади.

Ана шунинг учун ҳам йиғилишда вилоят ҳокимлиги мажмуалари, бошқармалар, бўлимлар, шаҳар ва туман ҳокимликларига ҳудудларда иқтисодий ислоҳотлар якунларини чуқур кўриб чиқиш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, айниқса, капитал қурилишда, қишлоқ хўжалигида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ислоҳотларни изчил давом эттириш, хусусийлаштириш жараёнини кенгайтириш, қишлоқда фермерлик ҳаракатини кенг йўлга қўйиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, янги иш жойлари очишда уларнинг ролини кучайтириш, ижтимоий соҳада, хусусан, таълим тизими тармоқларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни зудлик билан амалга ошириш вазифалари топширилди. Бу борада жойлардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни ишга солиш асосий йўналиш бўлмоғи лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, фаоллар йиғилишида ҳар бир мажмуа, бошқарма, бўлим ва хўжалик бирлашмаларида, шаҳар, туман ҳокимликларида 2004 йил учун қабул қилинган «Меҳр ва мурувват йили» дастуридан келиб чиққан ҳолда уни бажаришга йўналтирилган аниқ ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш зарурлиги алоҳида айтилди.

Йиғилишда вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бошлиғи Саъдулла Тошхўжаев, Ўртачирчиқ тумани ҳокими Максим Тиллабоев, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Собир Абдураҳмонов, Оҳангарон шаҳри ҳокими Александр Расулов, «Вилоятсавдо» акционерлик компанияси раҳбари Ғайрат Турсунов, Бўка тумани ҳокими Жўравой Миролимов, Тошкент туманидаги «Меҳнат» агрофирмаси раҳбари ўринбосари Абдурашид Восиқов ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокими Қамбарали Эшонқулов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Вилоят ҳаёти

### МУРУВВАТ ТАДБИРИ

***Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан «Меҳр кунда керак» тадбирини ташкил этди.***

Ушбу мурувват тадбирида тумандаги Янгибозор, Оқовул, Арамчи, Бардонкўл, Истиқлол ва Саксонота каби қўрғон ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида истиқомат қилаётган оилалардан 18 нафарига ҳокимлик, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими томонидан 200 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

### ВАКИЛЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

***Бухорода бокс бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.***

167 нафар спортчи беллашган ушбу мусобақада Тошкент вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Вакилларимиздан Илҳом Раҳимов (51 кг.), Элдор Эргашев (64 кг.), Аҳрор Муралимов (81 кг.) ўз вазн тоифаларида тенгсиз эканликларини намойиш этишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

### ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

***Ангрен шаҳрида вилоят маданият ишлари бошқармаси, ёзувчилар уюшмаси ҳамда шаҳар маданият бўлими ҳамкорлигида «Миллий анъаналар ва ёшлар» мавзуида тадбир уюштирилди.***

Унда бугунги кунда ёшларнинг миллий қадрият ва анъаналаримизга бўлган муносабати, миллий руҳ ва миллий қарашларни уларнинг онгига сингдиришда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## Бобур таваллудининг 521 йиллигига



# БЕБАҲО МЕРОС

***Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тақдир йўли, ҳукмдор сифатидаги фаолияти ва ижоди — олий насаб ва тожу тахт соҳиби Абулғози Баҳодирхонни эслатади. Абулғози Баҳодирхон ҳам Бобур сингари ўз даврининг ўткир билимдони, тадбирли саркарда ҳамда ўзбек адабиёти тарихига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим ва адибдир.***

***Икки ҳукмдорнинг асосий ўхшаш жиҳатларидан бири шуки, улар давлатни бошқариш билан бирга ижод ҳам қилганлар. Бу ижодларининг маҳсули сифатида икки йирик тарихий асар «Бобурнома» ва «Шажараи турк» майдонга келди. Бу икки асарнинг ёзилишида муаллифларнинг ўзига хос мақсади ва фаолияти акс этган.***

***«Бобурнома» ва «Шажараи турк» асарларини ўзаро қиёсий таҳлил қилиш жараёнида Бобур ва Абулғози Баҳодирхоннинг ўзаро муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини кўрсатишимиз мумкин бўлади.***

***Икки асарнинг ҳам бош қаҳрамони муаллифларнинг ўзлари ҳисобланади. «Бобурнома» ва «Шажараи турк» асарларининг бошидан то охиригача Бобур ва Абулғози гоҳ муаллиф сифатида, гоҳ тадбирли саркарда, гоҳ меҳрибон ота, гоҳ назм соҳиби, гоҳ ўткир тарихчи, гоҳ эса, моҳир сиёсатчи сифатида намоён бўладилар.***

(Давоми 6-бетда).

## Раҳбарлар ўқуви

# НАВБАТ АМАЛИЙ ИШЛАРГА

***Тошкент давлат аграр университетидаги раҳбар кадрлар малакасини ошириш марказида вилоят ширкат ва фермер хўжаликлари, вилоят ҳамда туманларнинг қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари ва бўлимлари, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари туман вакилликлари раҳбарларининг бир ҳафта давом этган мунозара-машғулотлари якунланди.***



(Давоми 3-бетда).

# «КАМОЛОТ»ЧИЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота туман бўлими конференцияси бўлиб ўтди. Унда сўнгги икки йил мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.***

Туман ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «камолот»чилар томонидан турли хил тадбирлар уюштирилмоқда. Ёшлар орасидан истеъдодлиларни танлаб олиш, қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида ўтказилаётган «Истеъдод жилолари» танлови яхши самара бераётгани алоҳида таъкидланди. Йигит-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилгани қайд қилинди. Ҳисобот даврида 12 маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, кўплаб ёшлар иш билан таъминланишига эришилди.

Конференция Ҳаракат туман бўлимининг раҳбар органларини сайлади.

**Лобар ПОЗИЛОВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей талабаси.**

Ватанпарвар

# КУН ТАРТИБИДА БОЛАЛАР СПОРТИ

***Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти Кенгашида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2004 йил 9 январдаги йиғилиш қарори асосида ўқув-семинар бўлиб ўтди.***

Асосий эътибор спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш, турли мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, шаҳар ва туман кенгашлари, спорт-техника клублари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига қаратилди. Ҳомийлик кенгашининг ушбу масалаларга бағишланган йиғилиши видеотасма орқали намойиш этилди.

Шунингдек, ташкилотнинг техник ва амалий спорт турлари бўйича тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифалари, болалар спортини ривожлантириш Давлат дастурининг мазмун-моҳияти хусусида, вилоят жамғармасининг ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг ўзаро ҳамкорликлари ҳақида сўз борди. Мавжуд спорт тўгаракларининг иш фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш борасида маърузалар тингланди.

Шу билан бирга спорт-техника клуби аъзолик бадалларини йиғиш ҳамда ушбу бадалларни спорт масалаларига йўналтириш борасида фикрлар алмашилди. Болалар спортини ривожлантиришда дахлдор ташкилотларнинг «Ватанпарвар» ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда спорт мусобақаларини ташкил этиш ва уни ўтказиш жараёнидаги муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Ўқув-семинарда ташкилотнинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, автомобиль мактаблари бошлиқлари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мутахассислари иштирок этдилар.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Ташаббус – 2004



# «НАРГИЗ» ТАҚДИМ ЭТАДИ

***Юқоричирчиқ тумани маркази Янгибозор шаҳарчасидаги маданият уйи биносида тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус-2004» танлови бўлиб ўтди.***

Унда иштирок этган ўнлаб тадбиркор ва фермерлар ўзлари етиштираётган ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш этиш билан бирга танлаган соҳалари бўйича қай даражада билим ва малакага эга эканликларини ҳам амалда кўрсатдилар. Тумандаги «Наргиз» фермер хўжалигида тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар танлов иштирокчиларига, айниқса, манзур бўлди. Унинг раҳбари М. Кушинов ҳам фермерликнинг ўзига хос мураккаб қирраларини пухта эгаллаганлигини намоён этиб, ҳамкасблари ўртасида танлов ғолиби бўлди.



*СУРАТЛАРДА: танловга тақдим этилган маҳсулотлар намойиши.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Олмалиқ шаҳри аҳолиси бу қиш газ танқислигидан қийналмади. Ҳаво совиши билан газ босими пасайиб кетадиган Кўрпасой ва Сўфи Оллоёр маҳалласи аҳли ҳам таъминот изга тушганидан мамнун.*

# ҲАМ ЎЛЧАЙДИ, ҲАМ ТЕЖАЙДИ

Бу – хонадонларга ўрнатилаётган газ ўлчагичлар шарофатидан. 15 мингга яқин хонадонда газ сарфини назорат қилиб бориш имкони яратилди.

– Йил охиригача ўттиз тўққиз мингга яқин хонадонда газ ўлчагич ўрнатиш режалаштирилган, – дейди «Олмалиқгазтаъминот» корхонаси раҳбари Норқизил Эшмуродов. – Шу мақсадда олтита махсус бригада иш олиб бормоқда. Бу ишга «Изапол», «Газчи», «Техмон», «Сантехсервис» каби корхоналар ҳам шартнома асосида жалб этилган.

Истеъмолчилар табиий газдан фойдаланган учун қиш мавсумида ҳар ой 10-12 минг сўм тўлашга мажбур эди. Газ ўлчагич туфайли бу миқдор икки-уч баравар камайди.

**ЎзА.**

# СОВҒАГА КОМПЬЮТЕРЛАР

***Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги кейинги йилларда хўжалик даромади ҳисобидан талай хайрли ишларни амалга оширмоқда.***

Бу хайрли тадбирлар орасида таълим муассасаларига кўмаклашиш алоҳида ўрин тутади.

Яқинда хўжалик маъмурияти ўз ҳудудидаги 7-, 35-мактабларга 8 миллион сўмлик замонавий компьютер техникалари тақдим этди.

— Бу мактабларда хўжалигимиз аъзоларининг фарзандлари тарбияланиб, билим оладилар, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Нуриддин Турғунов. — Биз уларга қанчалик кўп эътибор берсак, чуқур билим олишларига шароит яратсак, муносиб ўринбосарлар тайёрлашга шунчалик ҳисса қўшган бўламиз. Шунинг учун биз бундан буён ҳам билим масканларидан эътибор ва кўмагимизни аямаймиз.

# «ТУРОН»ДА НАВОИЙХОНЛИК

***Шеърият мулкининг султони, улуғ мутафаккир, шоир Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги муносабати билан вилоятимизда турли тадбирлар ўтказилмоқда.***

Даҳонинг «Қил яхшилиқу демакни дохил қилма, миннат била яхшилиғни ботил қилма» деган сўзлари билан бошланган маърифий-бадиий кеча «Турон» илмий-универсал кутубхонасида бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наим Каримов олиб борди. Сўзга чиққанлар томонидан «Алишер Навоий ижодида умуминсоний қадриятлар», «Шоир лирикасининг баъзи масалалари», «Ғазалларни ёшлар онгига сингдириш йўллари» каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Тадбирда академик Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Насиба Қамбарова ва бошқалар иштирок этишди. Унда йиғилганлар томонидан Алишер Навоий ғазалларидан парчалар ўқилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Тадбир

# УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

***Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раёсати қошидаги ёшлар билан ишлаш гуруҳи ташаббуси билан вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида «Замона ёшлари ва ахлоқий муҳит» мавзуида тадбирлар ўтказиш режалаштирилган эди.***

Унинг дастлабкиси Бўстонлиқ туманидаги академик лицейда бўлиб ўтди.

— Уни ташкил этишимиздан мақсад балоғат ёшига етган ёшларга мутахассислар ёрдамида керакли маслаҳатлар бериш, уларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раёсати қошидаги ёшлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Дилбегим Мавлоний. — Шунингдек, тадбирда фақат мутахассисларнинг маърузаларини эшиттириш билан чекланмай, йиғилган ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш ҳам кўзда тутилган. Чунки, навқирон авлод барча нарсага қизиқувчан бўлади.

Бўлиб ўтган тадбирда вилоят имом-хатиби Илҳом Суннатиллаев лицей талабаларининг ислом дини ҳақидаги саволларига жавоб бериб, уларни турли экстремистик диний оқимларнинг гаразли ниятларидан огоҳ этди.

**Камолиддин АСҚАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА БАҒИШЛАНДИ

***Республика Марказий банкида мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Унда фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ банк хизмати сифатини яхшилашни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида фермер хўжаликларининг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг янги услуб ва шаклларини яратиш долзарб вазифа бўлиб қолаётганига эътибор қаратди. Бу фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини яратиш билан боғлиқ кўплаб масалаларни ечишни тақозо этади.

Марказий банк бу борада тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ходимларига қулайлик яратиш мақсадида амалдаги меъёрий ҳужжатларга муайян ўзгартиришлар киритмоқда. Хусусан, фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш тартиби анча соддалаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига банк хизмати кўрсатишни кенгайтириш мақсадида жойларда яна 180 га яқин мини банк ташкил этилади.

Анжуманда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда банк муассасаларининг ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китобларни муддатида амалга ошириш ва субъектларга кредит бериш жараёнида гаровга қўйиш механизмини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

# НАВБАТ АМАЛИЙ ИШЛАРГА

Ушбу тадбир ҳақида газетамизнинг ўтган сонларида хабар қилинганидек, ўқув машғулотлари бу сафар ҳам ташкилий, ҳам мавзу жиҳатидан, шунингдек, уларни ўрганиш ва ўзлаштириш



жиҳатидан ҳам аввалгиларига нисбатан бир мунча ўзгача кечди. Аввало, сиёсий-ижтимоий мавзуларга ўқув дастурида кенг ўрин берилди. Хусусан, машғулотларнинг дастлабки кунларида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларини ўқиб, ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти, зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш йўл-йўриқлари ва бу жараёнда бозор инфратузилмаларини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш ва фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни, суғурта хизматини такомиллаштириш, фермер хўжаликлари манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, пахта, ғалла, сабзавот, мева, полиз каби асосий экинлар ҳосилини касаллик ва зараркунандалардан асрашнинг самарали усуллари, чорвачиликни ривожлантириш ва наслчилик масаласига эътиборни кучайтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодиётни эркинлаштириш каби муҳим мавзуларда эса, маъруза ва баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилди.

Бу йилги мунозара-машғулотларни ўтказиш тартибига киритилган ушбу янгиликлар ҳар бир мавзуни кенг ва чуқур ўрганиш, тўлароқ ўзлаштириш имконини берди. Ҳақиқатан ҳам раҳбар кадрларни бундай тартибда ўқитиш яхши самаралар бериши машғулотлар сўнгида ўтказилган тест синовлари чоғида ўз исботини топди. Ўқув дастурига киритилган мавзуларни ўзлаштирган тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Биз тест синовларидан муваффақиятли ўтган бир гуруҳ раҳбарлар билан суҳбатлашдик. Улар ўз фаолиятлари давомида деярли ҳар куни дуч келадиган кўплаб муаммоларга ечим топганликларидан мамнун бўлиб, қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ҳал қилувчи босқичга кирган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг бундай ўқув-машғулотларини давом эттириш айни муддао эканлигини таъкидладилар. Қуйида улардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Акмал НАЗАРОВ,
Қибрай туманидаги
«Маданият» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.**

– Асосий экин майдонларимиз 650 гектар. Унинг 350 гектарига ҳар йили ғалла экилади. 100 гектарида сабзавот етиштирилади. Яна 160 гектар мевали боғ ва 40 гектар токзоримиз бор.

Кўриниб турибдики, Тошкент шаҳри яқинида жойлашган бўлишига қарамай, хўжалигимизда асосий майдонни ғалла эгаллайди. Президентимиз халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясида пойтахт шаҳрини ўраб турган туманларда ғалла экиш масаласини чуқурроқ ўйлаб кўриш, шаҳар аҳолисининг сабзавот, полиз, мева ва узум каби кундалик ҳаётда зарур бўлган маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжларини тўлароқ қондириш чора-тадбирларини кўришни маслаҳат бердилар.

Бироқ, эътироф этиш керакки, бу бир йўла ва бир томонлама ҳал этиладиган жўн масала эмас. Хусусан, биз ғалладан бўшайдиган ерга қайси сабзавот турларини экишимиз маъқул бўлишини олдиндан ўрганишимиз керак. Энг муҳими етиштирган маҳсулотимизни қаерда ва кимга сотишимизни ҳам олдиндан аниқлаб олишимиз зарур бўлади.

Ўқув машғулотлари давомида бу масала ҳақида жуда кўп фикр-мулоҳазалар айтилди. Мутахассис-олимлар ушбу масала ечимига оид мақбул йўл-йўриқлар бердилар. Ўйлайманки, кейинги йиллар давомида бу масалани тўғри ҳал қилиб олсак, ишларимиз янада олға босади.

**Сирожиддин ВАЛИЕВ,
Бўка туманидаги
«Бўстон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.**

– Мен ўқув жараёнида бир нарсани яққол ҳис этдим. Биз, раҳбарлар қишин-ёзин хўжаликнинг кундалик иш-ташвишлари билан ўралашиб, асосий масала, яъни қишлоқ хўжалигига оид қонун-қоидаларни унутиб қўяр эканмиз. Ҳукуматнинг бугунги аграр сиёсатидан бохабар бўлмаган раҳбар эса, узоқни кўролмайди, хўжалигининг истиқболини тўғри белгилай олмайди. Ўқув машғулотлари давомида дастурга киритилган ҳар бир мавзу Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ўрганилганлиги ижтимоий-сиёсий билимларимизни чуқурлаштиришга катта ёрдам берди.

Маълумки, ўтган йил пахтачилик учун жуда оғир бўлди. Саноқли хўжаликларгина йилни ёруғ юз билан якунлади. Жумладан, биз ҳам давлат буюртмасини уддалашга муваффақ бўлиб, 14 миллион сўм соф фойда билан чиқдик. Лекин, бундан ўзимиз ҳам қониқмадик. Ҳамма қатори бизни ҳам бир савол қийнайди. Нима учун кейинги йилларда пахтачиликда кутилган натижаларга эришиб бўлмаяпти? Ривожланиш ўрнига орқага кетишнинг асосий сабаблари нимада? Машғулотлар давомида шу масала кун тартибидан деярли тушмади. Вазият кенг ва чуқур муҳокама этилди. Йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқ кўрсатилди.

Мен шунга ишонч ҳосил қилдимки, хўжалик мустаҳкам техника базасига эга бўлмай туриб, пахтачиликда юксак натижаларга эриша олмайди. Ўқув давомида ҳам шундай хулосага келинди. Бизга маълум қилишларича, шу кунларда хўжаликларни тракторлар ва бошқа зарур техника воситалари билан таъминлаш ҳаракати бошланибди. Жумладан, бизнинг хўжалигимизга ҳам иккита занжирли ва битта чопиқ трактори ажратилди. Бу хайрли ишнинг бошланиши. Бир-икки йил ичида техника мустақиллигига эришиб олсак, деҳқончиликдаги анча муаммолар ўз ечимини топади.



**Сойберди ОРТИҚОВ,
Бўстонлиқ туманидаги
«Бурчмулла» ширкат хўжалигида жойлашган фермер хўжалиги раҳбари.**

– Раҳбар кадрлар ўқуви фермерлар учун, айниқса, фойдали эканлиги бу йилги машғулотлар давомида янада яққолроқ кўринди. Фермер хўжаликлари манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг харажатларини имтиёзли кредитлаш, ягона ер солиғи, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соҳасидаги билимларимизни чуқурлаштирдик. 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш, зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз хўжаликлар негизида фермер хўжаликларини танлов асосида тузиш ва ерни ижарага бериш тартиби, мол-мулк ва манба билан қопланмаган қарзларни тузилажак фермерларга тақсимлаш тамойиллари билан чуқур танишдик.

Фермер хўжалигимиз боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. 54 бош қорамол, шу жумладан, 42 бош сигиримиз бор. Асосан сут етиштирамиз. Кейинчалик бўрдоқичиликни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз. 14 бош йилқимиз ҳам бор. Бундан ташқари, 30 гектар янги боғ барпо этганмиз. Асосан олма. Ўтган мавсумда нишона берди. Бу йил шигил ҳосилга киради.

Ҳар икки тармоқни муваффақиятли бошқариш учун агро ва зоотехник билимга эга бўлишимиз керак. Раҳбар кадрлар ўқуви айни шу масалада бизга катта ёрдам беради. Айниқса, бу йил ўқув пайтида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид адабиётлар савдоси ташкил этилганлиги яхши бўлди. Чорвачилик ва боғдорчиликни юритишга оид барча керакли рисолаларни шу ердан харид қилдик. Умуман, шахсан мен бир ҳафталик ўқиш давомида ўзим учун муаммо бўлиб келган кўп масалаларга ечимини топдим.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:** ўқув-семинар иштирокчилари.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# ИСТЕЪДОДЛИЛАР БАҲСИ

***Бекобод тумани ўрта махсус касб-ҳунар коллежида «Истеъдод-2004» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар 5 йўналиш бўйича беллашиб, ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.***

Шеърият йўналиши бўйича 31-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Шокирова, расм чизишда 6-мактабнинг вакили Достон Омонов, моҳир қўллар баҳсида 13-мактаб ўқувчиси Муаззам Йўлдошева, кўшиқ ижро этишда Соҳиба Ботирова ғолиб бўлди. Спорт йўналишида бўлиб ўтган мусобақалар ҳам ўзига хос тарзда якунланди. Кўл тўпи беллашувларида 6-мактаб қизлари ҳамда 7-мактаб йигитлари энг кўп баҳони жамғариб, танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Ушбу кўрик-танлов меҳр ва мурувват тадбирига уланиб кетди. Унга тумандаги кам таъминланган оила фарзандлари ва ижтимоий муҳофазага муҳтож ногирон ёшларнинг 100 га яқини таклиф этилди. Ушбу икки тадбир вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан ўтказилиб, Фан ходимлари касаба уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлимлари ҳамкор ташкилотлар сифатида иштирок этишди.

**Нигора БОБОҚУЛОВА,
ЎзМУ талабаси.**

***Оҳангарон ўрмон хўжалигида ниҳолларни кўчириб ўтказиш бўйича янгиликка қўл урилди. Хўжаликнинг истеъмол моллари цехида дарахт кўчатларини тупроғи билан кўчиришга мўлжалланган ёғоч саватлар тайёрланмоқда. Ҳозирга қадар шундай идишлардан икки мингта ишлаб чиқарилди.***

# НИҲОЛ КЎЧИРИШДАГИ ЯНГИЛИК

– Хўжалигимизда етиштирилаётган «Зарафшон» арчаси, Моржевельник, Қрим қарағайи, Туя каби ноёб манзарали дарахт кўчатларига талаб юқори, – дейди бош ўрмончи Тўлқин Жонишев. – Уруғдан униб чиққан ўн-ўн беш йиллик ниҳолларнинг бошқа жойга кўчириш анча машаққат талаб этади. Тупроғи билан қўшиб экилмаса, қайта кўкариши қийин. Бу ишда махсус саватлар жуда қўл келади.

**ЎзА.**

# ШАҲАР ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

***Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Бекобод шаҳрининг дастури қабул қилинди.***

Ушбу дастурда шаҳарнинг ижтимоий аҳволи, аҳолининг турмуш даражаси ва бошқа жиҳатлар билан боғлиқ қатор тадбирлар ўрин олган.

Хусусан, белгиланган тадбирлар учун ҳомийлар ҳисобидан 60 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Унга кўра кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 200 нафар кичик профилакторийларга, 300 нафар бекободликларни пансионатларга юбориш режалаштирилган. Бундан ташқари, 1300 кишига мўлжалланган иш ўринлари ташкил этиш, 16 ёшгача бўлган болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳам дастурга киритилган.

**Ўз мухбиримиз.**

TOSHKENT HAQIQATI № 13 [11.608] 14[02]2004



# БЕБАҲО МЕРОС

Асарларда Бобур ва Абулғози образларининг шаклланиш тадрижи ҳам бир-бирига ўхшаш. Айни пайтда бу образлар ўзига хос томонлари билан ҳам ажралиб туради. Бобурнинг Фарғона тахтига чиқиши, отасининг ўлими билан боғлиқ бўлса, Абулғозининг тахтни эгаллаши жуда мураккаб жараённи ташкил этади. Яъни унинг биринчи тахтга чиқиши кўп қийинчиликлар ва курашлар асосида 40 ёшига тўғри келса, Бобурнинг биринчи тахтга чиқиши ва давр қонун-қоидасига асосан ворислик йўли билан ўн икки ёшида амалга ошган эди.

Яна шуни айтиш ўринлики, Бобур ва Абулғози ёшлигидан ҳарбий санъатни мукаммал ўргана бошлаган. Ҳар иккаласи ҳам сарой муҳитида ўсгани сабабли ҳарбий иш ва ҳаракатларни кўрган, улар ҳақида эшитган. Ўз ўрнида улар давлат бошлиғининг фарзандлари. Шу сабабли ҳарбий санъатни ўрганиши лозим бўлган дейиш ҳам мумкин. Бироқ, бу ўринда, биз Бобур ва Абулғозининг табиий истеъдоди ҳақида гапирмоқдамиз. Ҳар икки саркарда ҳам ёшлигидан жасорат, ботирлик ва олижаноблик руҳида тарбия топган. Шу тарбия ва табиий истеъдод туфайли улар тарихда ботир саркарда, лашкарбоши бўлиб танилдилар.

Бобур ҳам, Абулғози ҳам адабиётга, санъатга ихлосманд кишилар бўлиб, ўзларидан олдинги ижод аҳлини, уларнинг асарларини ўрганишга ҳамиша қизиққанлар.

Иккаласи ҳам бир хил — ўз тарихини, шажарасини, ўз мемуарларини ёзишни мақсад қилиб қўйганлар (яъни «Бобурнома» ва «Шажараи турк»ни).

Бобур ҳам, Абулғози ҳам зуллисонайн ижодкор бўлиб, ўзбек ва форс-тожик тилида асарлар яратганлар (Абулғозининг форс-тожик тилида асарлар ёзгани ҳақида маълумотлар бор).

Икки ҳукмдор ҳам энциклопедик олим, тарихчи сифатида танилган.

Бобурнинг шахсий сифатлари ҳақида «Бобур ботир ва паҳлавон саркарда бўлиши билан бирга нозик ҳисли, юмшоқ табиатли, кўнгли бўш киши эди. Одамларидан бирортаси ўлса, кўз ёшини тўхтатолмас, агар бирор киши касал бўлиб қолса, унинг атрофида парвона, дори-дармон ахтарар эди», деб ёзади профессор Н. Маллаев.

Худди шу фикрнинг исботи сифатида «Бобурнома»да келтирилган ушбу воқеани эслатиш мумкин. «...Тонгласи хабар келдиким, Нуён Кўкалтош жардин мастлиқта йиқилиб ўлубтур. Ҳақназарниким, Нуённинг туққан тағойиси эди, яна бир жамъ била йиборилди, бориб Нуённинг йиқилған еридин топиб эҳтиёт қилиб, Нуённи Пскентга туфроққа топшируб келдилар. Булар суҳбат тутқон ердин бир ўқ отими, бир баланд жарнинг остида Нуённинг ўлугини топибдурлар... Манға ғариб таъсир қилди, кам кишининг фавтиға мунча мутаассир бўлиб эдим. Бир ҳафта ўн кунгача ҳамиша йиғлардим» деб ёзади Бобур.

Бобурнинг қизи Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома»да айтишича, Хумоюн бетоб бўлиб қолганда, Бобур «... Худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурман, умрижонимни Хумоюнга бағишлайман», деб нола қилар экан.

Дарҳақиқат, ана шу каби ўнлаб мисоллар орқали биз Бобурнинг ўзига хос шахсий сифатларининг бетакрорлигини ҳис қиламиз. Бобурда мавжуд сифатларни Абулғозида ҳам кўрамиз. Бироқ Абулғозида бу сифатлар очиқ-ойдин намоён бўлавермайди, балки воқеаларни тасвирлаш жараёнида, кишиларга муносабатида ва ташаббускорлигида кўринади. Ота ва ака-укаларига бўлган муносабатларида унинг инсонийлиги, ҳақпарварлиги, олижаноб ва келажакни кўра олиш каби қобилиятлари акс этади. Абулғози имони мустаҳкам, эътиқодли киши эди. Унинг бу жиҳати Бобурга ҳам хосдир. Чунки Бобур ҳам ўз даврининг шариат қоидаларига тўла амал қилган ҳамда Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ каби дин аҳлларига иродати бўлган киши эди.

Бобур ва Абулғози юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлари билан бир-бирига ўхшасалар-да, иккаласи ҳам биз учун идеал бир шахс сифатида эътиборлидир. Заҳириддин Бобур ва Абулғози Баҳодирхон ўзларининг шахсий-инсоний жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб турадилар. Зотан, ҳар бир инсон ўқилмаган бир китобга ўхшайди. Шу сабаб икки ижодкорнинг ҳали биз ўқимаган ўзларига хос сиру асрорлари кўп. Биз, уларнинг инсон сифатида меҳрибонлигини, ҳукмдор сифатида қаттиққўл, ҳақиқатгўйилигини, киндик қони тўкилган заминга бўлган эътиқодлилигини, ҳамсуҳбат сифатида самимийлигини юксак ишонч билан таъкидлай оламиз.

**Марғуба АБДУЛЛАЕВА,**
**аспирант.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ғазаллар

*Ким кўрубдир, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!*
*Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ?!*

*Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,*
*Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.*

*Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума,*
*Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.*

*Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,*
*Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ.*

*Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,*
*Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

*Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,*
*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.*

* * *

*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,*
*Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.*

*Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим вале*
*Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.*

*Юз ямонлиғ кўриб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул,*
*Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.*

*Тош урар атфол мени, уйида фориғ ул пари,*
*Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.*

*Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,*
*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.*

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Вилоятимизда «Юксак маданиятли истеъмолчи» кўрик-танлови якунланди. Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Турсунбой ва Маъпират Болтабоевлар оиласи танловнинг «Нуроний оила» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.***

«Ўрта ёшли оила – маҳалланинг фахри» номинацияси бўйича Ангрен шаҳридан Жамбул ва Муқаддас Мусаевлар оиласи, «Ёш оила» номинацияси бўйича Зангиота туманидан Муродхон ва Севарахон Ҳолмирзаевлар оиласи ғолиб чиқди. Чиноз туманидан Раҳмон ва Гулчеҳра Раимовлар оиласи энг кўп балл тўплаб, танловнинг мутлақ ғолиби бўлди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Уларни Ўзбекистон истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг раиси Зуҳра Сайдаминова қизғин қутлади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ДАВРА ТЎРИДА КЕКСАЛАР, ЁШЛАР

***Меҳр ва мурувват йилида Ангрен шаҳрида кўплаб эзгу ишларга қўл урилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири шаҳардаги «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан уюштирилди.***

«Гулбоғ» маҳалласидаги тўкин дастурхон атрофига 40 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари, корхонада ишлаб, нафақага чиққан 36 нафар фахрийлар, шунингдек, 34-Меҳрибонлик уйининг 35 нафар тарбияланувчилари таклиф қилиниб, совғалар ҳадя этилди. Шаҳардаги «Мустақиллик» маҳалласидаги кечага тадбиркор, «Ангренленд» ошхонаси раҳбари Абдуқодир Бегматов ҳомийлик қилди. Шу куни 20 дан зиёд маҳалла кексаларининг кўнгли олиниб, кўмак кўрсатилди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилиши ҳақида**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**1.** «РАФ-2203» автомобили, давлат рақами 11 L 0696, техник носоз, бошланғич нархи — 500 000 сўм.

Кимошди савдоси 2004 йил 20, 27 феврaль кунлари соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-уйнинг 3-қаватида ўтказилади.

Кимошди савдосида корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент тумани ЖИБ судининг биносида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади.

**Манзил:** Тошкент тумани, К. Ғофуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.

**Маълумот учун телефонлар:** 152-73-43, 53-08-78, 8-296-53-718.

***«Қишлоққурилиш» очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги акциядорлар диққатига!***

**2004 йил 12 март куни навбатдаги акциядорлар мажлиси ўтказилади.**

**Мажлисда кўриладиган масалалар:**

**1. «Қишлоққурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг 2003 йилги ишлаб чиқариш фаолияти якуни.**

**2. Ташкилий масалалар.**




## ПОКИСТОН: МАГАТЭ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Покистондаги ядро қуроли билан боғлиқ жанжал ҳали ҳам барҳам топгани йўқ. Ушбу можарога мамлакатда ишлаб чиқарилаётган оммавий қирғин қуролининг асосчиларидан бири Абдул Қодирхоннинг ядровий технологияларни Эрон, Шимолий Корея, Ливия ва Малайзияга сотганлиги ҳақидаги хабар сабаб бўлган эди. Журналистларга берган интервьюсида олимнинг ўзи ҳам бунга иқрор бўлди.

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)дан билдирилишича, агентликнинг ядровий технологияларни хуфёна тарқатганлар рўйхатида уч немис ва бир голланд ҳамда Бирлашган Араб Амирликларида истиқомат қилувчи Шри-Ланка фуқароси ҳам бор.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, куни кеча мамлакат ҳукумати мазкур муаммо юзасидан МАГАТЭ билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини маълум қилган.

Абдул Қодирхон эса мамлакат ядровий қуролини яратишда кўрсатган хизматлари учун афв этилди.

## ИСРОИЛ: ЗИДДИЯТЛИ РЕЖА

«Ғазо минтақасида битта ҳам яҳудий қолмайди». Ўтган ҳафта Исроил бош вазири Ариэл Шарон томонидан айтилган бу гап аксарият исроилликларни ҳайратга солди. Бир пайтлар Исроил армиясининг нуфузли генерали бўлган А.Шарон Исроилнинг шу кунгача бўлган тарихидаги энг қатъиятли бош вазир ҳамдир. Шундай бўлса-да, унинг сўзлари Исроил раҳбарияти фаластинликлар билан давом этаётган можародаги чигаллардан бирини ечишга бел боғлаганидан далолат бермоқда.

Режа атрофидаги гап-сўзлар кўпайгани сайин ҳукумат аъзолари ва ҳатто бош вазирнинг ўзи ҳам мамлакат аҳолисига бу борада тушунтириш беришга мажбур бўлди. Исроил ташқи ишлар вазирининг айтишича, режани амалга ошириш ҳақидаги узил-кесил қарор ҳали қабул қилингани йўқ. Бундан ташқари, Ғазодаги исроилликларни кўчириш учун ҳукумат ва парламентнинг розилиги керак. А.Шарон ҳам Ғазо аҳолисининг розилиги олинмасдан туриб режа ҳаётга татбиқ этилмаслигини айтди.

Иқтисодчиларнинг фикрича, режа катта сарф-харажат талаб қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, можароли ҳудудда истиқомат қилаётган бир ярим мингдан ортиқ яҳудий оиласини кўчириш учун салкам 800 миллион доллар керак бўлади.

## КИПР МАСАЛАСИ КЎРИЛМОҚДА

Нью-Йоркда БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирокида Кипр муаммосини ҳал этиш бўйича музокараларнинг янги даври ўтаяпти. Ўтган йили 10-11 март кунлари Гаагада мазкур муаммо юзасидан музокара бўлиб ўтган, лекин томонлар муросага кела олмаган эди.

Бу галги музокара БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташаббуси билан ўтказилмоқда. Унда Кипрдаги икки жамоадан делегациялар иштирок этаётир.

Нью-Йорк музокараси кейинроқ бевосита оролга кўчирилади. Мақсад 31 мартда икки жамоа ўртасида Кипр ороли муаммоларини ҳал этиш бўйича битимни имзолаш. Унга кўра, оролда икки жамоали ва икки ҳудудли давлат тузилади. Ушбу битимни ва жорий йилда Кипрнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини маъқуллаш учун оролнинг икки қисмида ҳам референдум бўлиб ўтиши керак.


Монреалдаги кўприк (Канада).

Шарҳловчи минбари

# «АЛ-ҚОИДА»НИНГ ТИЛИ БОШҚАЮ ДИЛИ БОШҚА

***«Уларнинг мақсади Ироқни фуқаролар уруши домига тортиш». АҚШ ҳарбий кучларининг Ироқдаги расмий вакили, генерал Марк Киммитнинг бу сўзлари Ироқда юз бераётган воқеаларнинг энг қисқа ва лўнда таърифидир.***

Мисрнинг «Ал-Аҳрам» газетасига берган интервьюсида АҚШ армияси генерали террорчиларнинг ёлғонларига учаётган ироқликларни ҳушёрликка чақириш билан бирга, қатор диққатга сазовор маълумотларни келтириб ўтган. Хусусан, унинг айтишича, айни пайтда Ироқда рўй бераётган барча террорчилик ҳаракатлари «Ал-Қоида» тарафдорлари томонидан ташкил этилиб, амалга оширилмоқда. Бунга яқинда террорчилар билан тил бириктирганликда гумон қилинган шахснинг ёнидан топилган ҳужжатлар далил бўлади. Генералнинг таъкидлашича, ҳужжатларда Ироқ ҳудудида жойлашиб олган «Ал-Қоида» вакиллари мамлакатда фуқаролар урушини келтириб чиқариш ниятида экани ва бу борада амалга оширилиши мумкин бўлган ишларнинг батафсил режаси келтириб ўтилган.

АҚШнинг «Нью-Йорк Таймс» газетасида мана шу мавзуга алоқадор мақола эълон қилинди. Унда айтилишича, Бағдодда ҳибсга олинган шахснинг ёнидан 17 варақли хат топилган. Унда террорчиларнинг Ироқдаги фаолияти муваффақиятли кечмаётгани, аҳоли уларни қўллаб-қувватламаётгани ва ҳатто, беркиниш учун қулай тоғли ҳудудларнинг камлигидан шикоят қилинган. Хатда айтилишича, «америкаликларни қўрқитиш» иши натижа бермаётгани шундан.

Мактубда Ироқда фуқаролар урушини келтириб чиқариш режаси икир-чикиригача айтиб ўтилган. Террорчиларнинг фикрича, бунинг учун мамлакатда кўпчиликни ташкил этувчи шиа мазҳабидаги аҳоли вакилларига қарши ҳужумлар уюштирилиши лозим. Улар эса бу ишда кўп йиллар давомида Ироқни бошқариб келган суннийларни гумон қилиши табиий.

Мазкур хат тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганидан кейин унинг ҳақиқий эканидан гумон қилганлар ҳам бўлди. Лекин АҚШ Марказий разведка бошқармаси раҳбарияти тарқатган маълумотларга қараганда, айни пайтда хатдаги барча далиллар тасдиқланган. Бундан ташқари, унинг муаллифи ҳам аниқланган. Мактуб террорчилар билан яқин алоқада бўлган ва АҚШ махсус хизмати вакиллари томонидан қидирилаётган Абу Мусо аз-Зарқавий томонидан ёзилган. У компакт-дискка жойлаштирилган ҳолда Афғонистонга кетишни режалаштираётган шахс ёнидан топилгани америкалик разведкачилар тўғри йўлдан бораётганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, мактуб муаллифи ўзининг Ироқдаги фаолияти давомида йигирмадан ортиқ террорчилик ҳаракатига бош-қош бўлгани, уларнинг аксарияти шиалар йўлбошчиларига қарши қаратилганини айтиб ўтгани ҳам қонхўрлар Ироқни фуқаролар уруши домига тортиш ниятида эканини тасдиқлайди.

**Бобур СОБИРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**2004 йил 9, 11, 13 февраль** кунлари ўтказилган биржа савдоларида Бекобод шаҳри, Юқоричирчиқ ва Қибрай туманлари ҳудудида жойлашган 7 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами **2 260 000 сўмга** ҳамда Оҳангарон, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Зангиота, Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 6 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами **39271000 сўмга** сотилди.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

## «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» MCHJ

**Сизларни 2004 йил 16, 23, 30 март ва 6, 13, 20, 27 апрелда соат 12.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани марказий касалхонасига қарашли «Ийк ота» ширкат хўжалиги, Ўзбекистон кўчасида жойлашган **«Ийк ота» кундузги стационар биноси.**

**Бошланғич баҳоси – 5 712 600 сўм.**

**2.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимига қарашли **«ГАЗ-310290»** русумли, давлат рақамисиз, **1996** йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 954 000 сўм.**

Кўчмас мулк объектларига ва автотранспорт воситаларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Toshkent viloyati baholash va konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**133-28-52, 133-77-18.**
**Факс: 133-43-73.**

## Bolalik bog`i

# Topishmoqlar

*1. Qo'l bilan ekilar*
*Og'iz bilan terilar.*
(Yozish, o'qish).

*2. Qulog'i bor, dumi bor,*
*Ba'zan oq, ba'zan rangdor*
*Qo'li yo'q, qanoti yo'q,*
*Ko'kda uchar har bahor.*
(Varrak).

*3. Nima ekan bu qush nomi?*
*Sevar tunlar o'rmonni*
*Qo'shiq aytarkan «kak-ku»,*
*Shu sababdan nomi...*
(Kak-ku).

*4. Katta-kichik besh o'rtoq,*
*Uyushsa, bo'lar to'qmoq.*
(Barmoqlar).

*5. Sen-u, men, u-yu biz,*
*Nechta bo'ldik hammamiz?*
(Uchta).

*6. Dunyoda bir narsa borki, u bo'lmasa, hech kim bir-birini tanimaydi?*
(Ism).

**Habib RAHMAT.**

# ЖАҲОН БЎЙЛАБ САФАР

***Германиялик мусиқачилар Максимилиан Хеккер ва Барбара Моргенштерн жаҳон бўйлаб гастроллари мобайнида 18 февраль куни Тошкентда ўз санъатларини намойиш этишади.***

Ёш санъаткорларнинг жаҳон бўйлаб ижодий сафари ўтган йил октябрь ойида бошланган эди. Режага кўра, улар ўттиз мамлакатда концерт беришади.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, мусиқачиларнинг ҳар бири ўзига хос услубга эга. Айнан шу боис ҳам улар хоҳ Нью-Йорк, хоҳ Пекин шаҳрида яшовчи мухлис қалбига йўл топа олади. Санъаткорлар ўз олдига поп-мусиқанинг сўнгги ютуқларини намойиш этишни мақсад қилиб олишган.

М. Хеккер мусиқа оламига 1994 йилда кириб келган. Унинг 2001 йилда эълон қилинган дастлабки албоми «Infinitive Love Songs» мусиқачига катта шуҳрат келтирди.

**Н. ДЕВЛИСУПОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

# ТОШКЕНТДА ИЛК БОР

***Замонавий санъат марказида илк бор «Африка наволари» деб аталган кўргазма очилди.***

У Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Африка анъанавий бадиий ҳунармандчилигига оид юздан ортиқ буюм намойиш этилмоқда. Улар орасида Судан, Сенегал, Кения, Конго, Намибия, Танзания, Эфиопия, Мозамбик, Зимбабве каби Африка мамлакатларида тайёрланган ҳайкаллар, ниқоблар, саватлар, заргарлик буюмлари ва бошқа кўплаб нарсалар бор.

Бу экспонатлар тошкентлик ҳаваскор коллекционерлар томонидан тақдим этилган. Мазкур ўзига хос кўргазма замонавий Африка халқ санъати оламига саёҳат қилиш имконини беради.

**ЎзА.**




Лариса эрининг айтганларини қилди. Алижон сигирнинг чап ёнбошига чўнқайди, бутига пақирни қистириб, шовуллатиб сут соға бошлади. Анчадан кейин ўрнига Ларисани ўтқазди. Лариса уқувсизлик билан секин елинни тортқилади. Ола говмуш «мўў!» деб Ларисага қайрилиб қаради, лекин тепинмади.

Ўн беш кундан кейин Алижон «зерикдим», деб ишга тушиб кетди. Яна битта кўҳна «молоковоз»ни минди. Саҳар мардонда кетади, тушда келиб уйда бир-икки соат дам олади. Яна машинасини тарақлатиб жўнайди. Шу кетганча кечқурунги сутни шаҳарга олиб бориб топшириб, алла-паллада қайтади.

Гулмат ота ҳам азонлаб молларнинг ем-хашагини беради-ю, ҳассасини дўқиллатиб гузардаги чойхонага чиқиб кетади. Уйда Зуҳра хола билан Лариса иккаласигина қолади. Лариса энди кундалик вазифасини сувдай билади, кампирнинг амру фармонисиз ҳам саҳар туриб ишини қилаверади. У салкам бир ой ичида гўжа туйишни, сигир соғишни, қатиқ ивитиб, куви пишишни ўрганиб олди. Кечалари ошхонада бекиниб ўтириб, хамир қориб, угра кесишни машқ қила бошлади.

Ларисани меҳнат билан енгиб бўлмаслигини билиб, Зуҳра холанинг боши қотди. Бир куни Сайёра қизига ҳасрат қилди:

— Ўриснинг жони қаттиқ бўладими, деймандa. Бунинг қилган ишини сенга ўхшаган тўртта хотин қилса, товони тешиларди. Айвонда қараб ўтираман. Кечга бориб кучала еган итдек чўзилиб қолай дейди. Бироқ миқ этмайди. Ў қудратингдан!

Сайёра онасининг зулмини эшитиб, норози бўлиб юрган эди.

— Демак, у ўғлингизни яхши кўрар экан, — деди, — бир бечорани шунча қийнайсизми? Ларисанинг ўрнида мен бўлсам, аллақачон кетиб қолардим.

Зуҳра хола Сайёранинг феълини билади. У ўзига ўхшаган, тўғри сўзни тўқ этиб айтиб тураверади. Хола қизини силтаб ташлади:

— Ҳўв, сен менинг қизиммисан, онаммисан, намунча ваъз айтасан? Кетиб қолармиш! Кетса — кетмоннинг бетида кетсин! Ана, катта кўча!

— Шундоқ эзғилайверсангиз, бир куни кетади ҳам. Алижонни ҳам ола кетади. Сиздан бошқа одам ўрисдан келин олмабдими? Қизиқсиз-а, ая?

— Сендан ҳам ҳасипим совиди. Сен ўзинг беш йил ўрисчага ўқийман, деб бўлганингча бўлибсан. Сочингни қирққанингда, қўрқувдим.

Сайёра индамади. Лариса билан икки оғиз русчалаб чулдирашди-да, «потерпи» деб чиқиб кетди.

Лариса чидади, тишини тишига қўйиб, холанинг хизматини қилаверди. Бироқ дунёда ҳамма нарсанинг, шу жумладан, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлар экан. Бир куни Лариса сигирни соғиб келиб қайнонасига мақтанди:

— Мам, мама! Бу кун меники... вот столько сут согди, — деди пақирни кўрсатиб. Зуҳра хола индамади. Лариса бироздан кейин товуқ катакдан беш-олтита тухум келтирди.

— Смотрите, мама! Бизни... товуги бешта берди! — дея тухумларни кўз-кўз қилди, — сизники... тухум ейди, мама?

Зуҳра хола юзини буриб, уйга кириб кетди.

Шу бўйи у пешингача келинига гапирмади. Лариса «Кампирга нима қилдим, нега у аразлаб қолди?» деб ҳайрон бўлди. Тушликка чой олиб кирди, кампир ичмади. Таҳорат суви қилиб берди. Зуҳра хола қумғонни айвонга олиб чиқиб Ларисанинг кўзи ўнгида тўкиб ташлади. Бу Ларисага оғир ботди. У лабини буриб, ўз хонасига кириб кетди.

Тушдан кейин Лариса ҳовлига чиқса, дарвозахонада конверт ётибди. У бир ойдан бери уйларидан хат кутаётган эди. Югуриб бориб олди. Хат онасидан экан. Юраги потирлаб, очди. Ётоқхонасига кириб каравотга ўтирди-ю, ўқий бошлади. «Салом Лариса, бегона юртларда зерикмай, яхши юрибсанми, жон қизим? — деб ёзибди онаси. — Борган еринг қанақа экан? Электр борми? Кино кўришадими? Сувни ариқдан ичасанларми ё бизга ўхшаб қудуқданми? Лариска, Эски Слободкадаги Тимофей гаранг борку, шу айтди, ўрта осиёликлар келинларига яккаш туя боқтирармиш. Тимофей гаранг билади, у 30-йилларда Қизилқумда газ қидирган. Ишқилиб, эҳтиёт бўл, қизгинам, тишлаб олмасин. Тимофей тоғанг айтдики, Ларисага ёзиб юборинглар, у туянинг олдида ҳам, ортида ҳам юрмасин, деди. Кейин туянинг боласини ушламасин, туядек қизғанчиқ ҳайвон йўқ, деди. Ҳа, айтганча, Алик ростдан ҳам уйланмаган эканми ё уйида хотини бор эканми? Мабодо кундошинг кун бермаса ё Аликнинг ота-онаси зуғум қилса, жомадонингни олиб, уйга жўнайвер, болам. Тор қорнимга сиғдинг, кенг уйимга ҳам сиғасан. Сендек оппоққина, сўлқиллаган қизни топиб олсин у саҳрои куёвинг...»

Ларисанинг кўзларидан шариллаб ёш қуйилди. Елкалари учди. Шу пайт эшик зарб билан очилди. Зуҳра холанинг боши кўринди.

— Ҳўв, қорагинанг ўчкур! Юмшоқ тўшакда ялпайиб ўтиргунча, сигирга сув берсанг ўласанми? Маъраб қулоқ-миямни еди-ку?!

Хат ўқиб, Ларисанинг хўрлиги келиб ўтирган эди. Унинг устига «Ўласанми?» деган сўз ўмганидан ўтиб кетди. У жаҳл устида қайнонасига қараб қўл силтади:

— Иди ты к чёрту!

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

**(Давоми бор).**

# АНГРЕНДА ЗИЁ МАСКАНИ

***Ангрен шаҳар ўлкашунослик музейи ёшлар учун чинакам маданият масканига айланган. Томоша вақти тугаган бўлса-да, зални тарк этгиси келмай, ҳар бир экспонат олдида узоқ туриб қолган, музей ходимларини саволларга кўмиб ташлаётган йигит-қизларни кўриб ана шундай хулоса чиқардик.***

Бундан ўттиз йилча илгари ишга тушган музей яқинда қайта таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар келтирилди, янги экспонатлар билан бойитилди. Бу ерда расмлар галереяси ҳам очилди.

– Музейимизга ҳар куни юзлаб томошабин келади. Уларни Оҳангарон воҳасининг ўзига хос табиати, шаҳримиз ўтмиши ва бугунги куни кўпроқ қизиқтиради, – дейди катта илмий ходим Д. Патель.

**ЎзА.**

## Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 14 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади.

Кечаси 3-5, кундузи 16-18 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Кечаси 1-6, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ бўлади.

## Билиб қўйган яхши

# КЎЗОЙНАК ТАҚСАНГИЗ

***Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, аҳолининг 40 фоизга яқини кўзойнак тақишга эҳтиёж сезади. 45 ёшдан ошган одамлар учун бу фоиз юзга яқинлашади.***



Бировга узоқни яқин кўрадиган, бошқа бировга ишлаш пайтида яқиндан яхши кўрсатадиган кўзойнак керак. Кўзойнак кўзнинг кўриш қобилияти сусайганда ёрдам берадиган тиббий восита ҳисобланади. Шунинг учун кўзойнак буюртиришдан аввал, албатта, шифокорга учрашиб, кўзингизни текширтиринг ва ўзингизга мос кўзойнак учун рецепт олинг. Ҳеч қачон таниш-билишлар ёки қариндошлар кўзойнагидан фойдаланманг. Бу кўзингизга зиён қилади.

Буюртма бераётганингизда кўзойнакка мос гардиш танлашга ҳам аҳамият қилинг. У қулай, қулоққа, бурун қаншарига ботмаслиги, асосийси, кўз олдида линза тўғри ҳолатда туришини таъминлаши лозим. Шунинг учун кўзойнакка буюртмани шахсан ўзингиз беринг. Бу ишни бошқа бировга ишонманг. Буюртмани қабул қилган фармацевт ёки оптик мутахассис сизга тиббий ва эстетик талабларга жавоб берадиган кўзойнак ва гардишни танлашда ёрдам беради.

Кўзойнакни илк марта таққанингизда унинг гардиши кўриш майдонини бироз чегаралайди, линза орқали кузатилаётган нарсалар гўё қимирлаётгандек ёки бир-бирига қўшилиб кетаётгандек бўлади. Сиз асло ташвишланманг, ҳали ўрганиб кетасиз. Кўзойнак орқали кўзнинг равшан кўраётгани, унинг баъзи ноқулайликларидан анча устун туради. Бироқ, ўн беш кунлар ўтгач ҳам сиз кўзойнакка ўргана олмасангиз ўзингиз мурожаат қилган шифокорга яна боринг. У кўзойнак рецепт бўйича танланганми, кўзингизга тушганми-йўқми, текшириб беради.

Кўзойнакдан шифокор тавсиясига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланинг: кўзойнак доим тақиб юриш, ишлаётганда тақиш, ёки узоқни кўриш учун буюрилади. Бу тавсияларга, айниқса, болаларнинг риоя қилиши муҳим, уларга кўзойнак кўпинча доим тақиб юриш учун буюрилади. Кўзойнак кўришни яхшилаш билан бирга даво таъсири ҳам кўрсатади.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

«Мустақил газета» хусусий газетаси
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-350. Адади 8920. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5